



- \* Наманганлик порахўр домлалар қўлга тушди
- \* Динозаврлар ўлимига нима сабаб бўлганди?
- \* Иш стилингиз табиатингиздан дарак бераркан
- \* “Йўқолган”ларни “Туркистон”дан топиш мумкин



# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 январь Шанба, № 7 (14289)

## МДХ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

24-25 январь кунлари Москвада бўлиб ўтади

Келгуси ҳафтада Москвада бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши бош мавзуи Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси муҳокамаси бўлиши керак.

1991 йилда ташкил топган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мингдан ортиқ турли ҳужжатларни қабул қилди, уларнинг талайгина қисми иқтисодий ҳамкорлик масалаларига тааллуқлидир.

Маълумки, 1999 йил 1-2 апрелда бўлиб ўтган давлат раҳбарлари саммитида Ҳамдўстликнинг долзарб муаммолари кўндаланг қўйилган эди. Апрель йиғилишида давлат раҳбарлари мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва тенгликка асосланган муносабатлар ўрнатишга тайёр эканликларини тасдиқлаган эдилар. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов МДХ доирасида ҳар қандай давлатусти тузилмаларини тузишга қаратилган турли уринишлардан воз кечиб, энг аввало иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва эркин савдо ҳудудини барпо этиш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган, буни ўша анжуманда ҳам тасдиқлаган эди. Ўзбекистоннинг МДХга аъзо бўлишининг бош мақсади иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистон МДХ доирасида муносабатларни ривожлантиришнинг энг қулай йўлини танлаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ислам Каримов томонидан олға сурилган ғояларнинг амалда ўзифодасини топганини охириги Москва йиғилиши ҳам исботлади.

Москвада бўлиб ўтадиган бу галги Кенгашда ҳамкорликни ривожлантириш ва биринчи навбатда эркин савдо ҳудудини барпо этиш ма-


саласи муҳим мавзу бўлди. Иқтисодий чегараларни очиш, товар ва хизматларнинг чегаралардан олиб ўтилишини энгиллаштириш, ўзаро экспорт ва импорт солиқлари тартибқоидаларини уйғунлаштириш каби масалалар Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларига кўриб чиқиш учун бир неча бор тақдим этилган эди, бироқ қабул қилинган қарорлар фақат қоғоздагина қолди.

Ялпи мажлисдан олдин бўлиб ўтадиган фикр-алмашувлар чоғида МДХ давлат раҳбарлари Кенгаши раиси масаласи кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда.

Ҳамдўстликнинг олий таъсис органлари — Давлат раҳбарлари Кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисларида ҳам асосий эътибор МДХ фаолиятини такомиллаштириш ва уни қайта шакллантиришга қаратилиши кутилмоқда.

Кун тартибига ҳозирги куннинг яна бир долзарб масаласи киритилган. Кенгаш иштирокчилари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истамбул саммити натижаларидан келиб чиққан ҳолда халқаро терроризмга қарши кураш масаласини муҳокама этадилар. Шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза этиш соҳасида ҳамкорлик масалалари хусусида ҳам фикр-алмашувлар бўлади. Жумладан, Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ҳудудларида 2000 йилгача бўлган давр мобайнида уюшган жиноятчилик ва хавфли жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашда биргаликда чора кўриш бўйича давлатлараро дастурининг бажарилиши натижалари, 2003 йилгача мўлжалланган шунга мувофиқ дастурни имзолаш ва бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилади.

“Жаҳон” АА



Алишер ҲАМИДОВ сурати

## ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

Миллий кураш бўйича спорт ўқувчиси Ғани СҲЕВОҶОВ шогирдлари билан

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши 22 январь кун эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади. Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси депутатлари диққатига: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 22 январь соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойёсида рўйхатга олинади.

# Илм-фан - жамият манфаати йўлида

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида ўзбекистонлик олимларнинг ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи муҳокама қилинди. Унда олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-тадқиқот институтлари директорлари, Давлат фан ва техника кўмитасининг мутахассисла-

оширишга, илм-фан олдига турган долзарб вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Бироқ, мажлисда таъкидланганидек, олий ўқув юртлари олимларининг ижодий салоҳияти тўлиқ ишга солинмаяпти. Олий мактабда илм-фан тараққиёти йўналишларини аниқ белгилаш, уларни замон талабларига

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

ри иштирок этди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси таълим тизими икки йил аввал Президент Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида ривожланмоқда, - деди Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов. - Бунда олий ўқув юртлари билан илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги алоқани мустақамлашга муҳим ўрин ажратилган. Тадқиқотлар, энг аввало, республика илм-фанининг жамият тараққиёти эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган устувор йўналишлари бўйича олиб борилиши керак.

— Мамлакатнинг бозор иқтисодиётига йўналтирилган хўжалиги олимлардан ўз фаолиятига янгича ёндошувни талаб этади, - деди ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев. Давлатнинг илмий-техника сиёсати аниқ ишлайдиган ишлаб чиқариш тизимини яратишга йўналтирилган. Бу тизимга олий ўқув юртлари, академик институтлар ва корхоналар қиради. Уларнинг ҳамкорлиги натижасида импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади. Бунинг учун республикамиз барча зарур омилларга - илмий мактаб ва мустақам амалий базага эга. Ўзбекистоннинг катта илмий-техник, ақлий салоҳияти яқин келажакда унинг жаҳон хўжалик муносабатларида тенг ҳамкор бўлишига имкон беради.

Олий ўқув юртлари ва академик фан ҳамкорлигининг механизми Давлат фан ва техника кўмитаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Бундай ҳамкорлик таълим сифатини

мослаш, амалий тадқиқотларга талабалар, аспирантларни кенгроқ жалб этиш лозим. Минтақалардаги олий ўқув юртлари ва Академияга қарашли илмий-тадқиқот муассасаларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Барча тадқиқотлар оқибат натижада мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилмоғи лозим.

Давра суҳбати республика олий ўқув юртлари раҳбарлари учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган малака ошириш курслари доирасида ўтказилди. "Таълим тўғрисида"ги қонунда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш таълимнинг алоҳида тури сифатида белгилаб қўйилган. Бўлиб ўтган ўқувлар Ўзбекистонда 1999-2005 йилларга мўлжалланган малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурининг бир қисмидир. Мазкур дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассислари томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ҳамда Президент Ислоҳ Каримов томонидан таълим соҳаси олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган.

Дастурда таълим тизимининг барча ходимлари, шунингдек, иқтисодиёт соҳаси мутахассислари учун ўқувлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Машғулотлар махсус ўқув дастурлари асосида институтлар, малака ошириш факультетлари ва махсус марказларда ўтказилди. Ушбу машғулотлар тингловчилари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш ҳам режалаштирилмоқда.

**А. ИВАНОВА,**  
ЎЗА мухбири

Анджон вилоятидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари орасида Президент Ислоҳ Каримовнинг асарлари бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Бу танлов вилоят "Маънавият ва маърифат" марказининг ташаббусига кўра амалга оширилди. Танловдан

сқичда ўтказилди. Кўрикда жами 40 мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Олий ўқув юртлари орасида Анджон Давлат тиллар педагогика институти ғалаба қозонди. Ўрта махсус ўқув юртлари орасида эса Хўжабод тиббиёт билим юрти жамоаси ғолиб бўлди. Кўрик-

## Талабалар кўрик-танлови

кўзланган мақсад - ёшларда илғор дунёқарашни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, озодлик ва мустақиллик руҳида тарбиялаш, ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларига қизиқиш уйғотишдан иборат эди.

Талабалар кўрик-танлови икки босқичда, ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ўртасида эса уч бо-

танлов ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Жорий йилда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицейлар ва касб-хўна билим юртлари ўқувчилари орасида ҳам шундай кўрик-танлов ўтказилиши режалаштирилмоқда.

**К. НИЗОМОВ,**  
ЎЗА мухбири

Бу қалби қайноқ йигит теран дунёқарашга, улкан орзу-мақсадларга эга. У билан гурунгни "Сиз тахсил олаётган факультетда нима учун йигитлар кам ўқияпти?" деган савол билан бошладим.

— Аён-ку, - деб жавоб берди Дилшод, - ҳозирги йигитлар-

**"ЎҚИТУВЧИЛИК ИШТИМЛАРТА ЯРАШАДИ",** —

дейди Урганч Давлат университети филология факультети 4-курс талабаси, Президент стипендияси соҳибидилшод **ҒОЙИПОВ**.

нинг аксарияти бозор-ўчар, савдосотиқнинг устаси фаранги бўлиб кетган. Касб танлашса ҳам "юқимлироғи"нинг бошини туттилади.

Йигитларнинг ўқитувчиликка унчалик қизиқмай қолганининг боиси, аввало одамларнинг ким ўзарга яхши яшашга беллашаётганидир. Ҳамма физиллатиб машина ҳайдаш, дангиллама иморат қуришга ишқивоз бўлиб кетган. Курсимизда тўрт нафаргина йигит ўқиймиз. Баъзи қизлар рўйрог тюзимизга "Сизлар филолог бўлиб қандай рўзғор тебратайсизлар?" дея савол беришади. Аслида ҳаётда яшаш учун инсонга кўп нарса шарт эмас. Йигитимизми, хўна ўрганишимиз зарур. Ўқитувчилик аёллар кас-

## Президент стипендиялари

би деганлар хато қилади. Мактабларда эркак муаллимлар бўлмаса тарбиянинг маълум жиҳатлари бўшаши кетиши олимлар томонидан тан олинган.

— Бугунги кунда сизни қандай муаммолар қийнамоқда?


— Фақат менигина эмас, балки кўпчилик истеъдодли ёшларнинг ўзига яраша дарди-ташвиши бор. Негадир кейинги пайтларда ёш қаламқашлар бошини бир жойга бириктириш билан вилоятда ҳеч ким бош қотирмай қўйгандай. Чеккадаги қишлоқ ёшлари зўр-зўр асарлар яратяпти, ҳеч ким аҳвай қалай шоирим демаяпти. Ада-

бий муҳитда тарқоқлик мавжуд гўё. Жойлардаги раҳбарлар, иқтидорли ёшлар ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаб турсалар айни муддао бўлар эди.

— Тахсилни тугаллаб нима билан шуғулланмоқчисиз?

— Дарров қишлоққа жўнайман, қишлоқ болаларига дарс бераман. Бундан ташқари адабий ва маърифий муҳитда қиладиган бир олам режаларим бор. Аспирантурада ўқимокчиман. Ниёзий (ҳофиз К.Отаниёзовнинг оталари) ижодини тадқиқ қилмоқчиман. Чунки бу мумтоз шоиримиз ҳалигача мукамал ўрганилмаган.

**Эрпўлат БАХТ**  
суҳбатлашди



**Талабанинг оромсиз тунлари... Сессиядан ўтсак бўлгани** Алишер ХАМИДОВ сурати

## Қ А Д Р

Кўпинча бугунги тинч замонамизга шуқр қиламиз-у, бу кунлар ортида кимлар қурашаётганидан беҳабармиз.

Ватан учун жонини тикканлар ҳеч қачон хотира, эъзоздан қолиб кетмасликлари Жиззах вилоятида бўлиб ўтган тадбирда ўз тасдиғини топди. "Қамолот" жамғармасининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларининг бош-қошлигида ўтказилган тадбирда яна бир оғоҳлик билан улар-

ни ёд этишди. Уруш, меҳнат фаришлари қатори эл тинчлиги учун кўксини қалқон қилган вилоят ички ишлар ходимларининг оилалари ҳам эътибордан четда қолмади. Бир пиёла чой устига қақирилган меҳмонлар ва хизмат бурчини ўташ давомида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандларига "Қамолот" жамғармасининг совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

**УЗА** РИО - ДЕ - ЖАНЕЙРО. Бразилия хиндулари мамлакатнинг португаллар томонидан кашф этилганига 500 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этишдан бош тортмоқда. Уларнинг таъкидлашича, Португалия - мамлакатнинг муштамлакасиёсати оқибатида бир вақтлар сони 5 миллионни ташкил этган маҳаллий хиндулардан ҳозир бор-йўғи 300 минг киши қолган.

**Дунё Бир шугача-Йил** Португалия - мамлакатнинг муштамлакасиёсати оқибатида бир вақтлар сони 5 миллионни ташкил этган маҳаллий хиндулардан ҳозир бор-йўғи 300 минг киши қолган.

**М Е Х И К О.** "Бойлар ҳам йиғлайди" ва "Еввойи Роза" фильмлари орқали яхши таниш бўлган актриса Вероника Кастро Мексикада узоқ вақт ўзига иш топа олмай Европага келди. У италиялик машхур хонанда Пласидо Домингонинг "Ла Тоска ди Ардерман" деб номланган теледастурида иштирок этиш учун таклиф этилган.

**Н Ъ Ю - Й О Р К.** Йўловчилар учун энг қўлай ва хизмат маданияти юқори бўлган авиакомпания, деб яна "Сингапур эйрлайнз" эътироф этилди. "Бизнес трэвелер интернэшнл" журнали икки мингдан ортиқ ишбилармон ўртасида сўров ўтказиб ана шундай натижани эълон қилди.

**Н Ъ Ю - Й О Р К.** Ҳавайи штати маъмурияти америкалик машхур хонанда Уитни Хьюстонга гиёҳванд модда сақлагани учун расмий равишда айб қўйиш чораларини кўрмоқда. Гап шундаки, Ҳавайи аэропортида Хьюстон хонимнинг ёнидан 15 грамм марихуана топилган.

**П Р Е Т О Р И Я.** 1970-1980 йилларда қарийб бутунлай қириб юборилган оқ акулалар Жанубий Африка Республикаси соҳиллари яқинида яна пайдо бўла бошлади. Америкалик машхур кинорежиссёр Стивен Спилбергнинг 1975 йилда суратга олган "Даҳанлар" фильмида бош қахрамонлардан бири йирик одамхўр оқ ақула бўлган. Шундан буён уларни овлаш ва йўқ қилиш авжига чиққан.

**Г А В А Н А.** Доминикан Республикасида президент лавозими учун сайловолди пойгаси бошланди. Пойгада иштирок этаётган номзодлар орасида собиқ президент, Социал-Християн ислохотчилари партияси йўлбошчиси 93 ёшли Хоакин Балагер ҳам бор. Умуман, Латин Америкасида Хоакин Балагер қайта-қайта президент бўлиш борасида ўзига хос рекордчилардан ҳисобланади. У 7 марта президентлик лавозимини эгаллашга муваффақ бўлган.

**П Р А Г А.** Чехиянинг "Шкода" автогиганти ёқилгани ўта тежамли сарфлайдиган "Фабиа" русумли автомобил ишлаб чиқариши кўпайтириш ниятида. Шу йил охирига бориб бундай машина ишлаб чиқариш ойига бир ярим баробарга ўсади.

Ўтган йили декабр ойида ишлаб чиқарила бошланган "Фабиа" автомоби-

# ИНДОНЕЗИЯГА ЯНА БИР БАЛО КЎЛАНКА СОЛМОҚДА

Неча йилдан буён иқтисодий ва сиёсий беқарорликдан задал бўлган Индонезияда яна бир нохуш шарпа пайдо бўлди. Ўтган ҳафта АҚШ расмий вакиллари Индонезия армияси раҳбариятини давлат тўнтариши уюштиришдан тийилиб туришга чақирган эди. АҚШнинг БМТдаги расмий вакили Ричард Холбрук Жакартада нашр этиладиган газеталарнинг бирига интервью бериб, "Индонезияда ҳарбийлар исёни эҳтимоли мавжудлиги ҳақида хабар бор, биз уни фавқулодда катта таш-

ширув-тергов ишларини бошлаган махсус комиссия Президент ва армия ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтириб юборди. Чунки, Президент Абдурахмон Воҳид Шарқий Тиморда йўл қўйилган жиноятлар бўйича текширув ўтказиш тарафдори бўлиб чиқди. Табиийки, бу ҳарбийларга, жумладан, генерал Вирантога ҳам ёқмади.

Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, Индонезия ташқи ишлар вазири Алви Шихаб куни кеча Нью-Йоркка жўнаб кет-



виш билан қарши олдик", деди. Бундай ташвишли оғоҳлантириш бошқа бир қанча давлатлардан ҳам маълум қилинган. Барча машаа ана шундан кейин бошланди. Гап-гап билан, лекин Индонезия куролли кучлари бош қўмондони адмирал Видодонинг "Тарихдан маълумки, Индонезия куролли кучлари ҳеч қачон давлатга қарши исён кўтармаган", қабилидаги ҳўшламайгина айтган сўзлари ушбу миш-мишлар борасидаги шов-шувни яна авж олдирди. "Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди". Индонезия жамоатчилиги ана шундан ташвишда.

Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳид эса бундай овозларни рад этар экан, агар давлат тўнтариси уриниш бўлса, унинг ташкилотчиларига қарши энг аёвсиз чоралар кўрилаётгани эслатиб қўйди. У фитна хавфи борлиги ҳақида оғоҳлантиргани учун АҚШ ва бошқа мамлакатлар раҳбарларига миннатдорлик билдирар экан, ташвишланишга ўрин йўқлиги, зеро вазият мамлакат раҳбарияти томонидан назорат қилиб турилганини маълум қилди.

Гарчи, овозларга ишониш учун етарли асос бўлмаса-да, давлат тўнтариши ҳақидаги гап-сўзлар ўз "ҳосилини" бера бошлади. Президент Абдурахмон Воҳид билан сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси генерал Виранто ўртасига совуқлик тушгани сезилди. Гап шундаки, генерал Виранто ва яна тўрт нафар ҳарбий раҳбар Шарқий Тиморда инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ва бошқа ҳарбий жиноятларда айбланмоқда. Бунинг устига, уларнинг иши бўйича тек-

ган. Мақсад - БМТ Бош котиби ва БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзоларини Шарқий Тимор масаласида ҳалқаро ҳарбий трибунал ташкил қилишга асос йўқлигига ишонтириш. Чунки, Шарқий Тимор иши бўйича халқаро трибунал ташкил этиладиган бўлса, Индонезиянинг энг бообру ҳарбийлари айбланувчи сифатида жавоб бериши керак. Индонезия раҳбарияти эса бунни истамайди. Чунки, бу тadbир индонезияликлар шаъни ва миллий ғурурига путур етказди ҳамда ҳокимият ва армия обрўси тушиб кетишига сабаб бўлади.

Воқеалар оқимига назар ташланадиган бўлса, АҚШ ва умуман, халқаро ҳамжамиятнинг ташвишида ҳам жон бор, деган хулосага келиш мумкин. 200 миллионлик нуфузга эга, худуди жиҳатдан ҳам дунёдаги энг йирик давлатларнинг бири бўлган Индонезияда, мана бир неча йилдирки, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик ҳукм сурмоқда. Мамлакатнинг баъзи оролларида насронийлар билан мусулмонлар ўртасида қонли тўқнашувлар юз бераётган бўлса, айрим вилоятларида маҳаллий аҳоли ҳукумат сиёсатига норозилигини намоиш қилмоқда. Аҳвол шу даражада мураккабки, тартибсизликларни бостиришга, ҳатто армия ҳам ожизлик қиляпти. Тартибсизликлар оқибатида халқ ҳўжалиги мисли кўрилмаган даражада зиён кўрди. Энди Индонезияда ҳарбий тўнтариш ҳам юз берса, бу нафақат мамлакат, балки Жанубий Осиё минтақаси барқарорлигига хавф солиши аниқ. Индонезия бу зарбага дош бера олармикан?

**Саидмурод РАХИМОВ,**  
**УЗА шарҳловчиси**

лига ҳозир ҳаҳон бозорида талаб ортиб бормоқда. Айни пайтда "Шкода" Словакия, Германия, Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатларидан ушбу русумдаги автомобилдан кўплаб сотиб олиш тўғрисидаги буюртмаларни қабул қилмоқда.

**Д Е Х Л И.** АҚШ Президенти Билл Клинтон шу йил март ойида Бангладешга расмий ташрифи бўлиб ўтади. Ташриф Б.Клинтоннинг Жанубий Осиё мамлакатларига сафари доирасида ўтади. Унинг аниқ мuddати кейинроқ эълон қилинади. Бангладеш ташқи ишлар вазири Абдусамал Озод журналистларга шуни маълум қилди.

**Г А В А Н А.** 24-29 январь кунлари бу ерда иқтисодчиларнинг иккинчи халқаро анжумани бўлиб ўтади. Унда 60 мамлакатдан мутахассислар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади.

Тadbирда "учинчи дунё" мамлакатлари глобаллашув жараёнидаги муаммоларни бартараф этиши учун дунёнинг янги молиявий "тархи"ни яратиш масаласи ўрганилади. Шунингдек, анжуман иштирокчилари ҳаҳон савдо тизимининг тузилиши ва ундаги ўзгаришлар хусусида фикр алмашади.

**М О С К В А.** Шереметьево халқаро аэропортида божхона ходимлари Россиядан контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилаётган олмосни мусодара этди. Унинг баҳоси 3 миллион АҚШ доллари тенг. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, контрабандачи Белгия фуқароси эканлиги аниқланган.

**К У А Л А - Л У М П У Р.** Малайзия иқтисодий тадқиқот институтининг маълум қилишича, жорий йилда мамлакатда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 6 фоизга етиши кутилмоқда. Институт директори Муҳаммад Аливининг таъкидлашича, айни пайтда мамлакат иқтисодиётидаги хусусий секторга жалб қилинаётган сармоя ҳажми ошмоқда ҳамда бу секторда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи талаб ўсиб бормоқда.

**А Н Қ А Р А.** 20 январь куни Грузия ташқи ишлар вазири Ираклий Менагаришвили бошчилигидаги делегация аъзолари Боку-Тбилиси-Жайҳон нефть қувури лойиҳасини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун амалий ташриф билан Туркия пойтахтига келди. Шу кунги Грузиялик меҳмонлар Туркия ва Озарбойжон мутахассислари билан музокара ўтказди.


21 январь куни Анқарада уч томонлама учрашув бошланди. Унда Каспий денгизидagi нефтни Туркия худуди орқали ҳаҳон бозорига олиб чиқиш борасида Боку-Тбилиси-Жайҳон қувури қурилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа битими ЕХХТнинг ўтган йили ноябрь ойида Истанбулда бўлиб ўтган саммити чоғида имзоланган эди.

УЗБЕК ДАВЛАТ БЎЗТЎҚ

**ЭНИГА:** 1. Тиқилинч бўлган автобусни эслатувчи идиш қопқоғи. 5. Уйнашганни ҳар боб билан урувчи шахс. 8. Ўрта Осиёдаги тоғ ўлкаси. 9. Мудофаа иншоотида қилинган туйнук. 10. Автоулов спорт мусобақаси. 12. Ёнилғи тури. 13. Сабзавот. 14. Қовунавининг бир тури. 17. Бир ўрам ип. 20. Осиёдаги давлат пойтахти. 22. Доим яшил игнабаргли дарахт. 23. Япалоқ қафтгли ошхона анжоми. 24. Ҳарбий денгиз флотиди оддий аскар. 25. Узум нави. 26. Қатикдан чиқадиган сарғиш суюқлик. 28. Ерни сўғориш учун бериладиган сув. 31. Қалъа дарвозаларини бузишда қўлланиладиган узун йўғон хода. 34. Боласини халтачасига солиб юрадиган ҳайвон. 36. Ҳавс босимини ўлчайдиган барометр. 38. Бўғирсоқнинг каттаси. 39. Шовқин-сурон кўтариб қилинган жанжал. 40. Олий мақсад, мукамаллик. 41. Келинлар йўлини тўсиш. 42. Кексалар ҳўш кўрадиган таом.

**БҮЙИГА:** 1. Саркарда. 2. Тошкентдаги даҳа. 3. Дарахтнинг илк меваси. 4. Махсус тайёрланган юпка темир. 5. Узум нави. 6. Рус бастакори ва кимёгари. 7. Қадимги Русда князликнинг бутун худуди. 8. Қорақайин пўстлогидан тайёрланадиган енгил материал. 11. Одиссейнинг ватани. 15. Энг катта, асосий эшик. 16. Соёбонтулошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик. 18. Ўзбек халқ қўшиқлари жанри. 19. Шамсия йил ҳисобида 8-ой. 20. Мўғул ва туркий халқларда уруғ, қабила. 21. Ўриши ип, арқоғи газлама. 26. Ўрта Осиё хонликларида мол-мулкнинг қирқдан бир улуши миқдориди солиқ. 27. Кишини юпатадиган нарса, иш. 29. Қитъа. 30. "Комде ва Мудан" достони муаллифи. 31. Қарчиғайнинг эркаги. 32. Нобель мукофоти соҳиби, "Жан Кристоф" романи эпопеяси муаллифи. 33. "Меҳрибон" отанинг ўз фарзандига ёрдам пули. 35. Узини ҳимоя қилиш учун кийиладиган нарса. 37. Юнон алифбосининг охириги ҳарфи.

**Тузувчи: Тожиали УМАРОВ**



## ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 19 январь сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

1. Атанок.
2. Анабас.
3. Анабар.
4. Липрика.
5. Қонғош.
6. Насоро.
7. Онахон.
8. Хильат.
9. Барбоғ.
10. Бордон.
11. Номарг.
12. Тамтам.
13. Анқара.
14. Ноқира.
15. Драхма.
16. Хатмот.

## “НИХОЛ” – ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўтган йили Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ташаббуси билан республика олий ўқув юртлири ўртасида талабалар театр-студияларининг “Нихол-99” фестивали ўтказилганди. Умуман олганда талабаларнинг ўзи бир асар. Унда бўлиб ўтадиган воқеалар асосида яратилган спектакллар фестивалда иштирок этган 19 та олий ўқув юртлири жамоалари ана шуни яна бир бор исботлашган. Ушунда ҳакамлар “Энг яхши спектакль”, “Энг яхши режиссура”, “Энг яхши аёл образи учун” мукофотларига голиблар аниқлашга анча қийналишганди. Чунки ҳар бир иштирокчи ўз иқтидорини намойиш эта олганди.

2000 йил февраль-март ойларида “Нихол-2000” талабалар театрлари II-фестивали ўз ишини бошлади. Ҳозирда республикамиздаги барча 57 та олийгоҳга таклифномаalar жўнатилган. Демак, бу фестивал кўлами, қатнашчилар сони, репертуар бойлиги билан I-фестивалдан анча фарқ қилади. Фестивал ташкилотчилари ҳозирда анжуман юқори савияда ўтиши учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Агарда республикамизда, хусусан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган номдор ташкилотлар, кўшма корхоналар ҳам ушбу хайрли ишга бош қўсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки маънавий савияси юқори, руҳий пок, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаш ҳаммамизнинг миллат ва Ватан келажаги олдидаги бурчимиздир.

Президентимиз Ислам Каримов 2000 йилни “Соғлом авлод” йили деб эълон қилди. Соғлом авлод жисмоний, маънавий, маърифий ва руҳий тарбия ҳосиласидир.

**Олимжон ХУДОЙНАЗАРОВ,**  
ТошДУ “Камолот” жамғармаси  
жамоатчилик маркази райоми

## ИШ СТОЛИНГИЗ СИЗНИ ТАЪРИФЛАЙДИ

Баъзида иш столида турли қоғозлар қалашиб ётганини кўриб, унинг соҳиби бетартиб, бесаранжом одам экан-да, деган фикрга борамиз. Аммо сиз хулоса чиқаришга шонилманг. Аслида бу тартибсиз кўринган иш ўрни ходимнинг ўзига хос иш услуби, унинг ишни тўғри ва аниқ юритишига имкон бериши ҳам мумкин.

Аммо столи тартибли, ортиқча нарсадан холи, бум-бўш хона соҳиби ҳақида икки хил тасаввур уйғониши мумкин: биринчидан у ўта жиддий, қаҳри қаттиқ, у билан тил топишиб, бирор ишни қилиш қийин; иккинчидан, бунинг акси, ходим дангаса, ишқамас бўлиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас.

Иш столига қўйилган майда-чуйдалар ҳам ишловчининг табиатидан дарак беради. Масалан, стол ойнаси остига оилавий туширилган сурат қўйилган бўлса, унинг эгаси ибрат олса бўлади-ган оилапарварлиги-лат бер-Чунки... Б и л л К л и н и ш с т о л и н и г л и д а х о қ и з и б и л а н б и р г а с у р а т и б о р.

Бундай суратлар одатда тез-тез севган кишилар суратига тикилиб туриш учун эмас, балки одамлар кўзига яхши инсон сифатида тасаввур уйғотиш мақсадида қўйилади. Аниқроқ айтиладиган бўлса, сизнинг олдингида ўз обрўсини сақлашга интилувчи одам турибди.

## ЎСИШДАН ТЎХТАМАЙДИГАН ТИШ

Москвада яшайдиган Регина Курага исми 48 ёшли аёлнинг тиши... мунтазам ўсишдан тўхтамайпти. У ўзидаги бундай ғаройиб ҳолни 25 ёшида сезган. Шифокорлар Регинанинг тишларини назорат қилиб, ҳақиқатда ҳам у тўхтовсиз ўсиб бораётганини аниқлашди.

Узоқ текширувлардан сўнг мутахассислар Курага хоним тишининг бундай ҳолатига у ҳаддан ташқари кўп ўсимлик истеъмол қилиши, умуман гўшт эмаслиги сабаб бўлаётганини айтишди.

## Ю П Д У З Л А Р С А М О Д А Н С У З П А Й Д И

**ҲАМАЛ.** Душанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Сешанба куни сирли учрашув. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанба дўстлар даврасида ўтади. Молиявий аҳволингизни жумада яхшилаб оласиз. Ҳамкорлар билан янги битимларни шанба куни тузинг. Якшанбада яхши дам олинг.

**САВР.** Хафта боши тижоратчилар учун омадли. Сешанбада ишлар о'кей. Чоршанба куни сизни сўроқлашади. Пайшанбада бой бўласиз. Жума куни зиддиятлардан нари юринг. Шанба ижодкорлар куни. Якшанбада соғлиқни ўйланг.

**ЖАВЗО.** Самарали ижод қилишингиз учун душанбада имконият бор. Сешанба куни иқтисодий қийинчиликлар ўз ечимини топади. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба куни сиз кутган уч-



рашув. Жумада алданиб қолманг. Якшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади.

**САРАТОН.** Соғлиқ-кайфиятингиз душанба ва сешанбада чатоқ. Бозор-ўчарни барақали кун бўлган чоршанбада қилинг. Пайшанба куни ҳамкорлар учрашуви. Жума ва шанбада кўпдан кутган одамингиз билан дийдорлашасиз. Якшанбада яхши дам олинг.

**АСАД.** Душанба куни тақдирланасиз. Сешанбада асабни асранг. Акс ҳолда чоршанба куни кўрпа-ёстик қилиб ётишга тўғри келади. Молиявий аҳволингиз пайшанбада яхшиланади. Жума, пайшанба ва якшанба кунлари мириқиб хордиқ чиқарасиз. Шанбадан янгилик кутинг.

**СУНБУЛА.** Кайфиятингизни душанбада туширмасликка ҳаракат қилинг. Сешанба куни сизни сўроқлашади. Чоршанбада соғлигингиз безовта қилади. Пайшанба куни алданиб қолманг. Жумада яқинларингизни кутинг. Шанба куни зиддиятлардан нари юргангиз маъқул. Якшанбадаги хариддан қувонасиз.

**МЕЗОН.** Ҳамкорлар билан янги битимлар тузмокчи бўлсангиз душанбани танланг. Сешанба куни соғлиқ ҳақида қайғуринг. Чоршанбада асабийлашманг. Пайшанба куни сизни сўроқлашади. Жумада толиққанингиз сезилади. Шанба куни сирли учрашув. Якшанбада гриппдан ҳушёр бўлинг.

**АКРАБ.** Душанбада муҳим ишларга қўл урманг. Сешанба куни сизни алдаб кетишлари мумкин. Чоршанба ва пайшанбада яқинлар дийдорлашуви. Жума куни бойийсиз. Соғлигингиз шанбада безовта қилади. Якшанба куни асабийлашманг.

**ҚАВС.** Хафта бошида зиддиятлардан нари юринг. Сешанба куни соғлигингизни авайланг. Чоршанбада кўпдан кутилаётган янгиликдан воқиф бўласиз. Тижорат учун хайрли кун — пайшанба. Жумада ишлар о'кей. Шанба куни дам олинг. Якшанбада бозорингиз бароридан келади.

**ЖАДЙ.** Душанба куни сизни сўроқлашади. Сешанбада бойийсиз. Чоршанба, шанба ва якшанба кунлари сирли учрашувлар. Пайшанба куни бошлаган ишларингиз ўз натижасини беради. Жумада қувонасиз.

**ДАЛВ.** Хафта бошида кайфиятингиз чатоқ. Сешанба куни соғлигингиз безовта қилади. Чоршанба янги битимлар тузиш учун омадли кун. Пайшанбада узоқдагилар билан кўнғироклашасиз. Жума куни яқинларингизни кутинг. Шанбада алданиб қолманг. Якшанбада яхши дам олинг.

**ХУТ.** Душанбада ҳамкорлар билан бошлаган ишингиз бароридан келади. Сешанба куни сизни сўроқлашади. Чоршанбада бойийсиз. Пайшанба хайрли кун. Соғлиқ ҳақида қайғуриш кераклигини жумада унутманг. Дам олиш кунларида сирли учрашув.

Собир Раҳимов туманидан рўйхатга олинган “Камолот СЕТ” фирмаси тугатилади. Даъволар икки ой ичида қабул қилинади.

## Чемпион – андижонлик

Андижон вилояти Булоқбоши туманида Аҳам Исоқов хотирасига бағишланган кураш бўйича турнир (фарғонача кураш) бўлиб ўтди. Мусобақада 120 курашчи иштирок этди. Улар нафақат Андижон вилоятидан, балки кўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларидан ҳам ташриф буюришди. Мутлақ чемпионни аниқлаш учун бўлган

### Спорт оламида

мусобақа ниҳоятда қизиқарли ўтди. Унда Равшанбек Исоқов голиб бўлди.

Мутлақ чемпион Равшанбек Исоқовга ва бошқа голибларга вилоят ҳокимлиги, кураш федерацияси ва ҳомийларнинг қимматбаҳо соғвалари топширилди.

**К. Низомов,**  
ЎЗА муҳбири

## ЭПЧИЛЛИК ВА МАРДЛИК СИНОВИ

Юқори Чирчиқ туманидаги мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари ўртасида “Чақириққача ҳарбий таълим” фани бўйича узоқ масофага югуриш, замонавий отиш куролларидан фойдаланиш ва нишонга олиш мусобақалари ўтказилди.

Беллашувларда тумандаги 7-ўрта мактаб ўқувчилари ўзларининг ҳар ҳақдан кучли эканликларини намойиш этиб, голибликни қўлга киритдилар. 10-ва 3-ўрта мактаб ўқувчилари эса фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Ушбу беллашув бошланғич ҳарбий таълим тайёргарлигининг ҳақиқий синови бўлди. Машғулотларда тобланаётган ўқувчилар эртанги кунимизнинг, муқаддас Ватанимиз ва халқимизнинг ҳимоячи посбонлари эканликларини кўрсатдилар.

Голибларга “Ватанпарвар” ташкилотининг қимматбаҳо эсдалик соғвалари, фахрий ёрлиқ ва дипломлари топширилди.

“Туркистон-пресс”

## ТАРОҒИНГИЗНИ КЎРСАТИНГ

**Кимлигингизни билиб оламан**

Халқда дўстингизни кўрсат, сенинг кимлигингни айтиб бераман, деган гап бор. Олимлар фикрича, ишлатиб юрган тароғингиз ҳам сизнинг феъл-атворингиз ҳақида маълумот бериши мумкин экан. Масалан, агарда **хотин-қизлар:**

- **ялтирок, гулли тароқни** ишлатишни ёқтира, у сал енгилтабиатли, кайфияти тез-тез ўзгариб туради, хурсандчиликка ўч;

- **тутқичли тароқлилар** — шинамлиқни, мустиқилликни, уй ишлари билан банд бўлишни хоҳлашади, меҳрибон.

- **тутқичсиз тароқни** одоб-ахлоққа қатъий риоя этувчи, ҳар турли ҳазил-хузулни ёмон кўрадиган шахслар ишлатади;

- **четкага ўхшаш тароқдан** ўзига ишонган, кучли, феъл-атворли, ишчан, эркакшоода аёллар кўпроқ фойдаланади;

- **тиши ўткир, четкага ўхшаш тароқларни** ўзини кўрсатишни ёқтирадиган, артистона хатти-ҳаракат соҳибалари ишлатади. Ундайлар баъзан ўзидан ёши катта эркакларни севиб қолади.

- **тароғини ҳадеб ўзгартиравериш** одати фаромушхотир, камсуқум, ўзига ишончи йўқ хонимларга хосдир.

**Эркаклар:**

- **кичкина, тоза тароқни** масъулиятни ҳис этувчи, яхши ижрочи одамлар ишлатади. Улар покидаликни ёқтиради. Аммо баъзан майда-чуйдаларга ўралашиб қолади.

- **тишлари сийрак, йирик тароқларни** ҳар нарсани кўнглига олувчи, мансабпараст, жаҳлдор, тезда ўзидан кетувчи одамлар ишлатади.

- **четлари ўткир тароқлардан** сиркаси сув кўтармайдиган, феъли ўзига етгунча оғир шахслар фойдаланади.

- **тишлари тўқилган тароқларни** саранжом-саришта эркаклар олиб юради.

- **тароқ олиб юрмайдиганлар** мантиқий фикр юритувчи, техникавий фанларга қизиқувчи кишилар сирасига киради.

### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

### Бош муҳаррир

Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Зиёда АШУРОВА

### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-59-38

Хатлар бўлими — 133-79-69

### Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.